



№ 14
11- март 2021 й

Тошкент шаҳри

ИЖОБИЙ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ.

"ABS FINANS - AUDIT" MChJ шаклидаги аудиторлик ташкилоти юридик манзили: 100059, Тошкент шаҳар, Мустақиллик кўчаси 42 уй, ҳисоб рақами: 2020 8000 6043 1818 5001 АТБ "Агробанк"нинг Бош офиси, банк коди: 00394, СТИР: 204 943 384, ОКЭД: 69202, 20.12.2007 йилдаги № 228 сонли реестр рақами билан Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2010 йил 4 январь куни берилган, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида "барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви"ни ўтказиш ҳуқуқини берувчи Серия АФ № 00580 сонли лицензиясига эга. СК "Garant insurance group" ташкилоти томонидан 30.01.2020 йилда GIG 0232922 сонли аудиторлик ташкилотини суғурталаш полиси берилган.

Мен "ABS FINANS - AUDIT" MChJ шаклидаги аудиторлик ташкилоти аудитори Узаков А. га Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2017 йилнинг 09-июнида № 05492 сонли малака сертификати берилган бўлиб, 2022 йил 09-июнгача амал қилади.

Буюртмачи: "УЗДОНМАХСУЛОТ" АК

Манзили: Тошкент шаҳри Шахрисабз кучаси – 36

Хизмат кўрсатувчи банки: ОАТБ " АГРОБАНК" нинг Бош офиси
х/р: 20210000500232482001, МФО: 00394, ИНН: 201 051 421, ОКЭД: 84111

2021 йил 18- февралдаги №1411170 сонли шартномага асосан "УЗДОНМАХСУЛОТ" АК нинг куйидаги молиявий ҳисоботлари мажбурий аудиторлик текширувидан утказилди:

Молиявий ҳисобот шакллари:

- Бухгалтерия баланси № 1 сонли шакл.
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот № 2 сонли шакл.
- Пул окимлари тугрисидаги ҳисобот 4- сонли шакл
- Хусусий капитал тугрисидаги 5-сон шакл
- Солик ва мажбурий туловлар ҳисоботлари.
- Дебиторлик ва Кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотнома № 2а сонли шакл.

2020 йил 1- январидан 31 декабригача бўлган давридаги молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилди. Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига

мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблайман.

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект **“УЗДОНМАХСУЛОТ ” АК** нинг 2020 йил 1- январидан 31 декабригача бўлган даврдаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

“ABS FINANS – AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти раҳбари:

Аудитор:



Саъдуллаев А.Б.

Узаков А.У.